ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Ҳимояга
Кафедра мудири
«___________________»
___________________
«___»_________2014 й.

# БАКАЛАВР БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу : "Ўсмир ва ўспирин ёшларнинг жисмоний параметрларини назорат қилувчи дастур яратиш"**

Битирувчи __________ Давлатов О. Х.

Раҳбар __________ Мирзаев Х. Х.

Тақризчи __________Абдиримов Қ. Р.

ХФҲдан
маслахатчи ________ Абдуллаева С. М.

Тошкент – 2014

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Факультет: Компьютер инжиниринги
Кафедра: Мультимедиа технологиялари
Йўналиши: 5521900- Информатика ва ахборот технологиялари

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Кафедра мудири ___________
«_____» ________2014 й.

Битирув малакавий ишни бажаришга

**Топшириқ**
Давлатов Орзумурод Хайитмуродович
(Ф.И.Ш.)

1. БМИ мавзуси "Ўсмир ва ўспирин ёшларнинг жисмоний параметрларини назорат қилувчи дастур яратиш"

2. Университет қарори билан тасдиқланган: 19.04. 2014 у. 254 -15 сонли буйруғи

3. Ишни тўлиқ бажариш учун берилган вақт: 31.05.14 й.

4. Ишнинг бошланғич маълумотлари: Ёшларни саломатлиги назорат қилиш параметрлари.

5.Ҳисоб тушунтириш матни мундарижаси: Автоматлаштирилган ахборот тизимлари, Инструментал воситаларни танлаш, Дастурчига қўлланма, Хулоса.

6. График материаллар рўйхати: _Тақдимот, жадваллар ва расмлар

7. Топшириқ берилган кун 03.03.14 й.

Раҳбар _________________ Топшириқ олди _______________

8. БМИ нинг ҳар-бир бўлимида бажариладиган ишларга маслаҳатлар

| Бўлим | Раҳбар Ф.И.Ш. | Имзо сана | |
|---|---|---|---|
| | | Топшириқ берилди | Топшириқ олинди |
| Асосий қисм | Мирзаев Х. Х.. | 03.03.14 й. | 03.03.14 й. |
| Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги | Абдуллаева С. М. | 18.05.14 й. | 18.05.14 й. |

9. Ишни бажариш графиги.

| № | БМИ бўлимларининг номлари | Бажариш муддати | Бажарилганлиги ҳақида раҳбар имзоси |
|---|---|---|---|
| 1 | Автоматлаштирилган ахборот тизимлари | 05.03.14-16.03.14 | |
| 2 | Инструментал воситаларни танлаш | 17.03.14-01.04.14 | |
| 3 | Лойихалаш қисми | 02.04.14-15.05.14 | |
| 4 | Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги | 18.05.14-25.05.14 | |
| 5 | Хулоса | 25.05.14-31.05.14 | |

Битирувчи ______________________ «______» _________________ 2014 й.

(имзо)

Раҳбар ______________________ «______» _________________ 2014 й.

(имзо)

Ушбу малакавий битирув иши хозирги куннинг долзарб вазифаси - яъни ахборот технологияларини ёшларнинг соғлиғини сақлашда қўллаш. Унинг мақсади - ўқув муасссасасидаги ўқувчи ёшларниниг жисмоний параметрларини маълумотлар базасини ишлаб чиқиш ҳамда шу маълумотларни ҳисобот шаклида тақдим этиш.

Дастурни яратишда Microsoft Visual Studio 2010 дастурлар пакетининг C# 2.0 .Net Framework мухитидан фойдаланилди. Малумотлар базаси сифатида еса MS SQL Server 2005 дан фойдаланилди . Шунингдек, МБ сифатида MS SQL Server нинг Express ини ишлатиш хам тафсия этилади.

Данная выпускная квалифицированная работа посвящена актуальной задаче сегодняшнего дня, то есть внедрению информационной технологии в контроле здоровье молодёжи.

При создании программы была использована среда. .Net Framework C# 2.0 программного пакета DV Microsoft Visual Studio 2010 . В качестве базы данных был использован MS SQL Server 2005 . Кроме того можно использовать в качестве БД - Express MS SQL Server.

This exhaust skilled work is devoted to an actual problem day, that is, the introduction of information technology in the proper organization of the workplace.

When creating the program was used Wednesday. Net Framework C # 2.0 software package DV Microsoft Visual Studio 2010. As the database was used by MS SQL Server 2005. In addition, you can use as a database - Express MS SQL Server.

# МУНДАРИЖА


КИРИШ........................................................................................... 6

I БОБ. АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ...... 11

1.1 Автоматлаштирилган ахборот тизимлари қўлланилиши 11

1.2. Маълумотлар базасини яратиш босқичлари.................. 15

1.3. Масаланинг қўйилиши 19

II БОБ. ИНСТРУМЕНТАЛ ВОСИТАЛАРНИ ТАНЛАШ 20

2.1. Дастурлаш мухити 20

2.2. Visual Studio 2010 мухитида ишлаш ва Visual C#.NET дастурлаш тили 22

2.3. Маълумотлар базаси бошқарув тизими. SQL тили 24

III БОБ. ЛОЙИХАЛАШ ҚИСМИ 30

3.1. Дастурчига қўлланма 30

3.2. Фойдаланувчига қўлланма 40

IV БОБ. ҲАЁТ ФАОЛИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ 46

4.1. Иш жойини тўғри ташкил қилиниши 46

4.2. Фавқулотда вазиятларнинг тоифаланиши 51

ХУЛОСА 55

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ 56

ИЛОВА 58

## Кириш

Кишилик жамиятининг ҳозирги босқичи ривожини ахборот технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.Ўтган шу қисқа давр ичида бу технологияларнинг ўзи шиддатли ривожланиш босқичидан ўтмоқда.Айниқса сўнгги йилларда иқдисодиётни ривожлантириш масаласи замановий технологиялардан фойдаланиш, мехнат унимдорлигини ўстириш, махсулот сифатини ошириш, ахолининг харид талабини қондириш, ишлаб чиқариш, тармоқларини айниқса, электроника, асбобсозлик, хисоблаш техникаси, алоқа воситалари ишлаб чиқаришни ривожлантириш вазифасини ечиш талаб қилмоқда. Буларнинг ҳаммасини ўз навбатида ахборотлаштиришнинг улкан имкониятларидан самарали фойдаланиш имкониятларини беради.

Ахборотлаштириш замонавий дунё тараққиётининг энг мухим йўналишларидан бири бўлиб, жахон фан техникасининг иқдисодий ва ижтимоий ривожланишида эришилган ютуқларини ўзида мужассамлаштиргандир. Ахборотлар кўламининг тўхтовсиз ошиб бораётгани янги асримизнинг ўзига хос хусусиятларидандир.

Бугунги кунда ахборот ресурслари, ахборот банклари, ахборот бизнеси, ахборот хавфсизлиги каби ахборотлашган жамиятга хос бўлган янги тушунчалар пайдо бўлди ва улар доимий ишлатилиб юриладиган сўзлар қаторига кириб бормоқда. Жахондаги барча илғор мамлакатлар анъанавий турлари қатори ахборот индустриясини ривожлантириш ва унинг махсулотлатидан фойдаланишни мамлакатни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири деб қарашмоқда.Шу жумладан, республиканиз рахбарияти хам мамлакатни ахборотлаштириш, халқ хўжалигининг барча сохаларига янги ахборот технологияларини жорий этиш ва жамиятнинг барча қатламларини ушбу технологиялардан самарали фойдаланишга ўрнатиш ишларини кенг кўламда олиб бормоқда. Охирги бир неча йиллар давомида қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар жамиятни ахборотлаштириш сохасида хам илғор мамлакатлардан ортда қолмаслик йўлида олиб

борилаётган катта хажмдаги ташкилий ва оммавий ишлардан далолат беради. Жумладан жамиятни компьютерлаштириш, ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича вазифаларини ҳал этиш учун Президент фармонини бажариш юзасидан Вазирлар махкамаси 2002 йил 6 июнда №200 сонли қарор қабул қилинди ва мамлакатни 2002-2014 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-комуникация технологияларини жорий этишни ривожлантиришнинг устувор йўналишлардан бири ушбу жараённи хуқуқий-меъёрий асосларни такомиллаштиришдир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг « Жахон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида келтирилган фикрлари бўйича, банк тизимини қўллаб қувватлаш, корхоналарни техник жихатидан янгилаш, модернизация қилиш, хамда инновацион технологияларни тадбиқ этилиши – мамлакатимизни хам ички бозорда, хам ташқи бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлаш имконини беради.

Ҳозирги кунда давлатимиз томонидан, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом ҳамда адлан етук бўлиб вояга етиши учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилмодда. Мазкур жараёнларни узлуксиз давом эттириш мадсадида, Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсат ўзининг тараддиёт дастурига асосланган ҳолда олиб борилмодда. Ушбу сиёсатнинг ёрдин намунаси сифатида, соғлидни садлаш тизимида олиб борилаётган кенг дамровли ислоҳотларни мисол дилиб кўрсатиш мумкин. Унинг асосий йўналишларидан бири — оналик ва болаликни муҳофаза дилиш масалаларида янги концептуал ёндошувлар бўлиб, улар соглом авлоднинг дунёга келиши ва тарбияланишига дойр барча шароитларнинг яратилишига даратилган.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистонда кенг мидёсда соглом- лаштириш тадбирлари олиб борилмодда. Бундан кўзланган асосий натижа — «Соғлом она — соглом бола» мадсадига эришишдир. Бола саломатлигининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири, бу унинг уйгунлашган жисмоний

ривожланишидир. Уйгунлашган жисмоний ва руҳий ривожланишга тўғри ташкил дилинган жисмоний тарбия ҳамда болаларнинг спорт билан шугулланиши кенг имкон яратади.

Республикамизда ўсиб келаётган ёш авлод саломатлигини шакллантириш ва уни мустаҳкамлашда, донунчилик тизимининг яратилиши ҳамда бу ордали фаолиятлар кўламини яхшилаш масалалари, давлати- мизнинг асосий эътиборида бўлиб келмодда. Чунончи, Узбекистон Респуб- ликаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги 3154-сонли Фармони ва Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 октябрдаги 374-сонли «Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси фаолиятини ташкил дилиш тўғрисида»ги Қарори бу жараёнларни янада такомиллаштириш ва ривожлантиришда муҳим омил бўлмодда.[1]

Бугунги кунга келиб ушбу йўналишда ҳам салмоқли ишлар амалгам оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Ахборатлаштириш тўғрисида" , "Электрон рақамли имзо тоғрисида",Электрон тижорат тўғрисида","Электрон тўловлар тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Бу қонунларнинг қилиниши жамиятни ахборотлаштириш борасида ривожланган мамлакатлар билан тенг ҳамкорлик қилиш учун зарурий ҳуқуқий-меъёрий асосларни яратиб берди.

Кейинги даврда республика рахбарияти бу қонунларнинг амалда қўлланилишини қайта эътибор билан қарашмоқда. Айниқса бу борада қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8 июл 2005 йилдаги "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ 167 сонли қарорлари қабул қилинди. Уларда электрон рақамли имзо тўғрисидаги, қонунни амалда тадбиқига оид, компьютер хавфсизлигига бўладиган замонавий тахдидлар, хавфсизликни таминлаш борасидаги халқаро тажрибаларни ўрганиш, компьютер инцидентларига тезкор муносабат билдирувчи хизмат бўлинмаси фаолияти тўғрисидаги масалалар хал этилган. Охирги қабул қилинган бу қарорлар давлат ахборот

ресурсларини шакллантириш тартиби, ахборот хавфсизлиги таъминлаш, давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш учун масъул бўлган давлат органларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, давлат органининг расмий сайтига қўйиладиган асосий талаблар, ахборот ресурсларини яратиш талабларини белгилайди.

Малумки бу қабул қилинган барча хужжатлар Ўзбекистон Республикасида ахборотлаштиришнинг илмий тизмлари барпо этилишни иқдисодиётга ва жамиятнинг хар бир аъзоси хаётига компьютер техникаси ва ахборот технологиялар жорий этилиши учун шарт шароитларни таъминлайди, жахон бозорида мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлик даражасини оширади.

Ушбу битиру малакавий ишида ёшларнинг жисмоний параметрлари орқали уларниинг саломатлигини назорат қилиш масаласи кўриб чиқилган. Лойхаланаётган дастурнинг мақсади бирор бир ўқув муасссасасидаги ўқувчи ёшларниниг жисмоний параметрларини маълумотлар базасини ишлаб чиқишдир.

Қўйилган мақсадни амалга оширишда қуйидаги вазифаларни бажарилиши белгилаболинади:

- ёшларнинг жисмоний параметрларини назорат қилувчи дастур маълумотлар базасини ишлаб чиқиш;
- ёшларнинг жисмоний параметрларини назорат қилувчи дастур ишлаб чиқиш;
- сўровлар ёрдамида талаб этилган ўқувчиларни излай
- ҳисобот тайёрлаш формасни ишлаб чиқиш

Бу масалаларни ечиш учун қуйидаги аппарат ва дастурий таъминот талаб этилади:

- Pentium III/IV ;
- ОТ Windows мухити ( XP/Vista )
- .Net Framework нинг камида 2.0 версияси
- SQL Server 2005 (ёки Express кўриниши)

- Қаттиқ дискда камида  50 MB
- Оператив хотира 256 Mb

Битирув малакавий иши тўрт кисмдан иборат бўлиб, асосий уч қисмида дастурни ишлаб чиқиш йўллари келтирилган. Тўртинчи қисм техника хавфсизлиги ва мехнат мухофазаси бўйича маълумотлар келтирилган.

# I БОБ. АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ

## 1.1. Ахборот тизимларининг халқ хўжалигида қўлланилиши

Ахборот тизимини ишлаб чикишдан мақсад — ташкилий лойихалаштириш, технологик ва хоказо жиҳатларини ҳисобга олган холда тизим фаолиятининг самарадорлигини оширишдир.

Ўрганилаётган фан сохасини акс эттирувчи ҳам умумий, ҳам айрим хусусиятларга эга бўлган тизимнинг кўплаб тушунча ва таърифлари мавжуд.

Умумий ҳолатда тизим, деганда улар орасидаги ва уларнинг ҳусусиятлари ўртасидаги алоқалар мажмуига эга бўлган, яъни бир-бирига чамбарчас боғланган қисмлардан иборат бутун бир объектлар мажмуаси тушунилади. Бундай таърифдаги тизимга қуйидагиларни мисол килиб келтириш мумкин: деталлар ва туташтирувчи қурилмалардан йиғилган машина ҳужайраларнинг бутун мажмуини ташкил этувчи тирик организм; турли ресурслар, бир-бири билан боғланган кўплаб ишлаб чиқариш жараёнлари ва кишилар жамоалари яҳлитлигида юзага келган корхоналар ва хоказо. Бундай ҳолларда объектлар ягона тизим сифатида ишлайди, яъни ҳар бир объект, кенжа тизимлар умумий тизим олдидаги ягона мақсад учун ҳаракат қилади.

«Тизим»ни аниқлашга қуйидаги атамалар киради: «объектлар», «алокалар», «ҳусусиятлар».

Объектлар — тизимнинг бир бўлаги ёки компонентлари бўлиб, жисмоний, математик ўзгарувчан тенгламалар, қоида ва қонунлар, технологик жараёнлар, ахборот жараёнлари, ишлаб чиқариш бўлинмалари каби кўплаб чекланмаган қисмларга эга.

Ҳусусиятлар — бу объектнинг сифатини ифодаловчи параметрлардир. Ҳусусият тизимнинг маълум бир ўлчамга эга объектларини битгалаб миқдорий жиҳатдан баён этиш имконини беради.

Объектларнинг ҳусусиятлари тизим ҳаракати натижасида ўзгариши мумкин.

Алоқалар, объектлар ва уларнинг ҳусусиятларини тизим жараёнида ягона яхлитликка бирлаштиради. Бунда барча тизим элементларининг кенжа тизимлари ва тизимлар ўртасида алоқа бўлиши назарда тутилади. Айрим умумий қонуниятлар, қоидалар ёки тамойиллар билан бирлашувчилар ўртасида алоқанинг мавжуд бўлиши тизимнинг асосий тушунчаси саналади. Бошқалар билан бирор-бир алоқага эга бўлмаган элемент кўриб чиқилаёттан тизимга кирмайди. Тизимнинг ҳусусиятлари қуйидагилар саналади: элементлар мураккаблиги, мақсадга қаратилганлиги, турли - туманлиги ҳамда улар табиати, таркиблашганлиги, бўлинишлигидир. [8]

Тизимлар таркиби ҳамда асосий мақсадларига фарқланади. Ташкилий мураккаблик тизимнинг асосий ҳусусияти саналади ва у элементлар ўртасидаги ўзаро алоқалар (ўзаро ҳаракатлар) миқдори билан аниқланади. Элементлар ўртасидаги чатишиб, қўшилиб кетган ўзаро алоқалар шундай тузилганки, у бирорта параметр алоқасининг ўзгаришига олиб келади.

Фақат тизимга тегишли тавсифларни аниқлайди. Умуман олганда, тизим уни ташкил этувчи элементлардан бошқачароқ тавсифларга эга бўлибгина қолмай, балки унинг барча қисмларидан сифат жиҳатидан фарқланади. Шунингдек элементларга эга бўлмаган бошқа вазифаларни ҳам бажариш ҳусусиятига эга.

Мақсадга қаратилганлик. Тизим умумий ҳусусиятта эга, яъни у умумий мақсадга эришишга ҳаракат қилишга қаратилган. Тизимнинг мақсадга йўналтирганлигини ифодаловчи барча элементлар учун умумий бўлган ўзаро алоқаларнинг мақсадли қоидалари мақсаднинг мавжудлигини белгилайди.

Тизимнинг таркиблашганлиги — бу тизимнинг алоҳида элементлари ва уларнинг ташки муҳит билан ўзаро ҳаракати ўртасидаги ички алоқаларнинг доимий таркибидир. Тизим таркиби — унинг фаолияти самарадорлигини кўп жиҳатдан белгиловчи муҳим тавсифлардан бири саналади.

Тизимнинг бўлиниши — бу унинг мақсадлар ва вазифаларга жавоб берувчи маълум белгилар бўйича ажратилган элементлар ёки бир қатор кенжа тизимлардан тузилганлигини англатади. Кенжа тизимлар бундай ажратилишнинг асосини ташкил этиб, бунда элементлар ўртасидаги алоқалар кўпроқ, кенжа тизимлар ўртасида эса камроқ бўлади.

Тизим тушунчаси шу маънода нисбийки, тизим элементининг ўзи хам мураккаб тизим бўлиши мумкин. Бирор белги бўйича ажратилган тизим ўзига нисбатан юқори даражадаги тизим элементи бўлиши мумкин.

Тизимлар тасифи. Тизимларни қиёслаш ва фарқлаш, уларнинг бир-бирига ўхшашлари ва фарқлиларини ажратиш орқали таснифлаш амалга оширилади.

Таснифлаш — бу фақат борлиқ, модели ва уни турли белгилар, яъни, кириш ва чиқиш жараёнларининг баёни, уларнинг келиб чиқиши, бошқарув тури, бошқарувнинг ресурслари билан таъминланганлиги ва хакозо бўйича амалга ошириш мумкин. Бизни тизимнинг келиб чиқиши бўйича таснифлаш сездиради. Тизимни мазкур белгига кўра таснифлаш 1.1-расмда келтирилган.

Суъний тизимлар — бу инсон томонидан яратилган тизимлардир.

Табиий тизимлар бу табиатда ёки жамиятда инсон иштирокисиз юзага келган тизимлар.

Аралаш тизимлар таъбий ва сунъий тизимларни ўз ичига олади.

Эргономик тизимлар — бу, «машина — инсон- оператор» мажмуи.

Биотехник тизимлар — тирик организмлар ва техник қурилмалар кирадиган тизимлардир.

Ташкилий тизимлар — бу, зарурий воситалар билан жихозланган кишилар жамоасидан ташкил топган тизимлар саналади.

Ташкилий тизим — бошқариш, шунингдек, ташкилий тузилма, мақсадлар, бошқариш самарадорлиги ва ҳодимларни рағбатлантириш қоидалари мезонлари учун фойдаланадиган, ҳодимларнинг юриш туриши ва техник воситаларнинг ишлатилиш тартибини белгиловчи қоидалар йиғиндисидир.

Ташкилий тизимлар ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланувчи кишилар жамоасининг ишлаб чиқариш фаолиятини бошқариш учун мулжалланган. Охиргиси анча муҳим ҳолат ҳисобланади, чунки ташкилий тизимлар техник воситаларнинг ўзига ҳослигини, ҳусусан, бошқарув воситаларини ҳисобга олиши лозим.

Тизимда бошқарув объекти — бу муайян моддий захираларга эга ва аниқ махсулотни олишга йўналтирилган ишлаб чиқариш операцияларини бажарувчи вазирлик, идора, корхона, цех, ишлаб чикариш, участкалар, ижрочилар жамоаси ёки айрим шахслардир. Бошқарув объектининг фаолияти ишлаб чиқариш жараёни чоғидаги турли ҳолатлардаги вазифаларни амалга оширишга бўйсиндирилган. [6]

Бошқарув органи объектни бошқариш учун ташкилий тизимдан фойдаланувчи шахс ёки шахслар гуруҳи саналади.

Ташкилий тизимлар автоматлаштирилган ёки автоматлаштирилмаган бўлиши мумкин.

Ташкилий тизимлар бир қатор ўзига ҳос ҳусусиятларга эга. Дастлабки ўзига ҳослиги шуки, тизимнинг асосий элементи мураккаб, фаол тизим бўлган инсондир. Инсон юриш туриши, ҳулқи жиҳатларининг амалий талабларини баён этувчи норасмий моделларини тузиш жуда мураккаб, баъзан эса иложи йўқ. Айни пайтда инсон ташкилий тизимларда қарор қабул қилувчи шахс ҳисобланади.

Ташкилий тизимларнинг иккинчи ўзига ҳослиги  кўп мақсадли ишлаш хусусиятидир. Ушбу тизимлар фаолиятининг самарадорлиги умуман олганда кам унинг кичик тизим ва элементларини ташкил этувчиларига кўплаб миқдордаги техник, иктисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар билан белгиланади. Самарадорликни баҳолашнинг кўп қиралиги кўпгина ўзаро боғлиқ жиҳатлар бўйича бошқаришни ташкил этиш заруриятига олиб келади. Бунда тизимнинг боши элементлари билан моддий ва ахборот жиҳатдан ўзаро таъсирини ташкил этиш талаб этилади.

Учинчи ўзига ҳослик — ташкилий тизимларнинг узлуксиз ривожланишини ўз ичига олади, у янги эхтиёжлар пайдо бўлиши, бу эхтиёжларни ташқи ва ички шарт-шароит ҳамда ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда қондириш йўлларини такомиллаштиришдан иборат. Оқибатда, объектлар тармоилари доимий ўзгаради, унинг элементлари ўртасида янти алоқалар пайдо бўлади

## 1.2. Маълумотлар базасини яратиш босқичлари

Малакавий битирув ишида ходимлар маълумотлар базасини яратиш-предмет соҳасини ўрганишдан бошланади. Бу пайтда тўпланадиган ва фойдаланувчига тақдим этиладиган ахборотнинг қуйидаги хусусиятларига алоҳида эътибор берилади:

1. Тўлақонлик. Ахборот тўлақонлиги объект фаолиятининг у ёки бу томонларининг микдорий ва сифат параметрларини аниқ белгилаш ҳамда мос қарорларни ишлаб чиқаришда ифодаланилади. Ахборотнинг нотўлақонлиги қарорлар қабул қилишда хатоларга олиб келиши мумкин.

2. Ишончлилик қабул қилинадиган қарорлар самарадорлиги сақланадиган етиб келган ва натижавий ахборотларда муайян даражада бузилишларга йўл қўяди.

3. Ахборотни қабул қилишнинг бемалоллиги вақт бирлигида маълумотларни қабул қилиш тезлиги билан белгилади. Шу боис ҳам маълумотлар кўпроқ жадвал шаклида берилади, у нафақат ахборот мазмунини очиб беради, балки енгил қабул қилинади ҳам.

4. Маълумотларнинг долзарблиги муайян вақт мобайнида аниқ вазифани амалга ошириш учун яроқлигини ифодалайди. Шу боис ҳам долзарблик, ҳозиржавоблик ва тезкорлик ахборотга хос хусусиятлардир.

5. Кечикмаслик ахборотнинг қулай ёки белгиланган вақтда келиб тушишини англатади. Бу талабни бузиш ахборотни қадрсизлантиради.

6. Аниқлик унинг тўғрилигини англатади. Ахборотнинг аниқлиги унинг барча истеъмолчилар томонидан бир хил қабул қилинишини таъминлайди.

7. Тезкорлик вақт ўтгач ахборот эскириши ва долзарблигини йўқотишини акс эттиради.

Ахборотнинг ўз вақтида қабул қилинмаслиги қарор қабул қилишни кечиктиради, оқибатда қабул қилинаётган қарорлар ўзгарувчан шароитда талабга жавоб бермайди. Ахборот қанчалик тезкор бўлса, у шунчалик қимматли бўлади.

Ахборотнинг қиммати аниқлик даражаси ошгани сайин ёки хабар қилинаётган ва аниқ натижалар ўртасидаги фарқ камайганда тез кўтарилади. Тўлиқроқ ва ишончли ахборот тўғри қарорни қабул қилишни таъминлайди.

Маълумотлар базасига киритиладиган маълумотларни аниқлангандан кейин бу маълумотлар базасини ташкил этишда фойдананиладиган маълумотлар базасини бошқариш тизимини (МББТ) танлаш лозим

МББТ ўз таснифланишининг муҳим белгиларидан бири бўлган маълумотлар модели турларидан бирини (тармоқли, иерархик ёки реляцион) таъминлайди. МББТ маълумотлар базаларининг кўп мақсадли тавсифини, маълумотларни ҳимоялаш ва қайта тиклашни амалга оширади. Ривожланган мулоқот воситалари ва юқори даражали талаблар тилининг мавжудлиги МББТни охирги фойдаланувчи учун осон воситага айлантиради.

Ахборот тизимлари мураккаб маълумотлар структурасини барпо этишни талаб қилади. Мураккаб структурлашган маълумотларни бошқариш маъсулиятини ўзига олувчи ахборот тизимларини умумий қисмини ажратишга ва умумлаштиришга интилишлар “Маълумотлар базаларини бошқариш тизимларини”- (МББТ) яратишга биринчи асосли сабаб бўлади.

Тўлиқ вариантда МББТ қуйидаги компонентлардан тузилиши мумкин:

- Клавиатура орқали маълумотларни тўғридан-тўғри бошқариш имконини берувчи фойдаланувчининг муҳити;
- Интерпретатор сифатида иш юритувчи, маълумотларга ишлов бериш амалий тизимини дастурлашнинг алгоритмик тили. Интерпретатор дастурларни тез тузиш ва маромига етказиш имконини беради;
- Мустақил EXE-файл шаклидаги тайёр тижорат махсулотига тугалланган дастур кўринишини берувчи компилятор;
- Кўп меҳнат талаб қилувчи амалларни тез дастурловчи утилит-дастурлар (ҳисоботлар,шакллар, жадваллар, экранлар, меню ва бошқа иловалар генераторлари).

Хусусан МББТ – бу фойдаланувчининг аслаҳавий қобиғи ҳисобланади. МББТ таркибида дастурлаш тилининг мавжудлиги аниқ масалаларни ва аниқ фойдаланувчига мўлжалланган маълумотларга ишлов беришнинг мураккаб тизимларини яратиш имконини беради.

Маълумотлар базаларини лойиҳалаштиришда қуйидаги тавсифларини солиштириш ва таҳлил қилишга асосланган МББТни асослаб танлаб олиш муҳим вазифа ҳисобланади:

- дастурий техник базаси (ШК тури ва модели, ҳисоблаш воситалари конфигуряциясига қўйиладиган талаблар, ОТ версияси);
- маълумотлар базаларининг турлари (амалий, предмет, локал, интегреллашган, тақсимланган);
- фойдаланувчиларнинг малакалари (МББТ билан ишлаш учун махсус тайёргарликка эга бўлмаган фойдаланувчи, мутахассислиги дастурчи бўлмаган даражадаги МБ билан ишлашга тайёргарлиги бўлган предмет соҳасининг мутахассиси – фойдаланувчи, амалий дастурчи, МБ ларнинг администратори);

- маълумотлар базалари билан фойдаланувчиларнинг мулоқат қилиш воситалари (дастурлаш тилларини ўз ичига олувчи маълумотлар устида иш олиб бориш ва тасвирлаш тили);
- маълумотларни қайта ишлаш режими (пакетли, интерактив, тармоқли);
- маълумотларни мантиқий ва физик мустақиллиги;
- маълумотлар базалари ахборот структураларининг асосий хоссалари (мантиқий структураси-МББТ воситалари орқали амал қиладиган ва ташкилий тузилмасини ўзгартирмасдан уни модификация қилиш имконияти, маълумотлар турини кенгайтирган ҳолда қаршиликсиз ишлов беришда);
- ҳавфсизлик даражасини таъминлаш ва маълумотларнинг тўлақонлиги;
- хизмат кўрсатишнинг стандарт воситалари мавжудлиги (маълумотлар базаларини кузатишни доимий дастурий модулларини ва маълумотлар луғатини, маълумотлар базаларини енгиллаштирадиган (юкини туширадиган), қайта ташкил этадиган ва қайта структуралаштирадиган, тиклайдиган журнални юритиш, киритиш ва ҳисоботлар генераторлари ва ҳ.к.);
- ишлатиш тавсифлари (лойиҳачилар ҳақида, сармоя эгалари ҳақида, моддий-техник таъминотга бўлган талаблар, тарқатиш шакли).

Танлаб олинган МББТ бир қатор талабларни қондира олиши керак. Буларга предмет соҳаси турли функцияларининг самарали бажарилиши; хотира ресурсларидан самарали фойдаланиш учун сақланаётган маълумотлар ҳажмини минималлаштириш; моҳиятли ахборот қарорларини қабул қилишга имкон яратиш; ҳавфсизликни таъминлаш жараёнини бошқариш; ходимларга нисбатан маълумотлар базаларини ишлатиш билан боғлиқ юқори талабларнинг йўқлиги, ШКни ишлатиш муомаласини соддалаштириш.

## 1.3. Масаланинг қўйилиши

Ушбу битиру малакавий ишида ёшларнинг жисмоний параметрлари орқали уларниинг саломатлигини назорат қилиш масаласи кўриб чиқилган. Лойхаланаётган дастурнинг мақсади бирор бир ўқув муасссасасидаги ўқувчи ёшларниниг жисмоний параметрларини маълумотлар базасини ишлаб чиқишдир, ҳамда шу маълумотларни ҳисобот шаклида тақдим этиш.

Қўйилган мақсадни амалга оширишда қуйидаги вазифаларни бажарилиши белгилаболинади:

- Ёшларнинг жисмоний параметрларини назорат қилувчи дастур маълумотлар базасини ишлаб чиқиш;
- Ёшларнинг жисмоний параметрларини назорат қилувчи дастур ишлаб чиқиш;
- Сўровлар ёрдамида талаб этилган ўқувчиларни излай;
- Ҳисобот тайёрлаш формасни ишлаб чиқиш.

Дастур Microsoft Visual Studio 2010 дастурлар пакетининг C# 2.0 . .Net Framework асосида яратилган . Малумотлар базаси сифатида еса MS SQL Server 2005 дан фойдаланилди . Шунингдек , МБ сифатида MS SQL Server нинг Express ини ишлатилса хам тафсия этилади .

(SQL Express MB фақат 2 ГБ гача малумотлар учун мўлжалланган бўлиб, маълумотлар ундан кўп бўлса MS SQL Server дан фойдаланишингиз талаб этилади ) .

Дастур ишлаши учун .Net Framework нинг камида 2.0 версияси бўлиши керак .

Хулоса қилиб айтгада ушбу бобда автоматлаштирилган ахборот тизимлари хақидаги умумий маълумот берилган бўлиб, унда ахборот тизимларининг халқ хўжалигида қўлланилиши ва маълумотлар базасини яратиш босқичлари келтирилган. Шулар асосида масаланинг қўйилиши шакллантирилган.

# II БОБ .ИНСТРУМЕНТАЛ ВОСИТАЛАРНИ ТАНЛАШ

## 2.1.Дастурлаш мухити

Microsoft компанияси 2002-йил Санк – Петербург шахрида бўлиб ўтган конфиренсияда Девид Чаппелнинг .Net Freamwork ка багишлаб доклад килди. У .Net платформасини яратилиши Windows мухтида хамма нарсани ўзартиради, яни дастурлаш тиллари, интерфейс ва библотекалар, иловаларни яратилишини .Net маркаси оркали куйидаги асосий махсулотлар етказиб берилади, булар :

- .Net Framework – амалга ошириш мухити, унда яратилган дастурий компонентлар ишлатилади. Бу мухит дастурий кодларни хавсизлигини таминлаш , автоматик равшда кераксиз кодларни йигиштириш ва бошка ишлар учун мўлжаллангандир.

- * Visual Studio. Net – яратувчилар учун яратилган мухит бўлиб, у битта компилятордан иборатдир, яни C++ компиляторидир. C++ бунда Янги , ўзгартирилган интеграллаштириш ишлаб чикиш мухитидир. У программ компонентларини яратишга багишланган. Бундан ташкари бошка кўпкина дастурлаш тилларини кўллаб кувватлайди.

- .Net Interprise Servers (.Net корпоратив сервери) – SQL Server 2005, Exchange 2005 ва бошкалар.

.Net Framework иккита компонентдан ташкил топган. Унинг илова яратувчи асосий инстурменти бу Visual Studio.Net ҳисобланади. Унда хар бир программалаштириш .Net Framework Билан умумий интерфейс оркали алокада бўлади. Vs.Net таркибига жуда кўп дастурий тиллар кирадики, улардан асосийси эса C++ тилидир.

Microsoft .Net дастурий технология бўлиб, у оддий дастурлар каби, веб – иловаларни яратиш учун ишлатилади. (платформа сифатида биринчи бўлиб Microsoft фирмаси томонидан таклиф килинган)

Microsoft .Net нинг асосий максади турили хил тилда яратилган хар хил хизмат турларини мослащтиришдир. Масалан C++ тилида ёзилган дастур

Delphi тилида ёзилган библотека класси услубида мурожат этиши мумкин. C++ тилида эса Visual Basic.net ёзилган классга богланган класс яратиш мумкин. .Net даги хар бир библатека ўз версияси хакида маълумотга эга бўлиши , унинг турли версиялари орасидаги келишмовчиликларни бартараф этади..Net Microsoft фирмасининг патентга эга технологияси хисобланади.

.Net – иловаларини яратиш мухити.

Microsift Visual Studio (C++, Visual Basic.Net, Menaged C++), Borland Developer Studio (Delphi For.Net , C++), PascalABS.Net ва бошкалар.

.Net яратиш мухти худди Java технологияси каби байт – код яратади.

.Net илова яратувчи модел хисобланади. Унинг асосий максади – курилма ва платформадан мустакил бўлган илова яратишдир, яна Internet оркали маълумотларга мурожат этишни шакллантиради

.Net ядросини куйидаги технологиялар ташкил этади:

- .Net Framework;
- .Net Enterprise Servers;
- «курувчи блок» хизмати;

.Net платформаси клиент операцион тизимлари , сервер ва хизматлар билан интеграллашган ва куйидагилардан иборат:

- дастур модели, яъни XML – Web хизмати ва илова яратиш имконини беради;
- хизматлар тўплами – «курувчи блок», яъни максимал самарали илова яратиш имконини беради;
- .Net Enterprise Servers – серверларни тўлик жами бўлиб, у илова яратиш учун ишлатилади.
- клиент дастурий таъминоти (XP, CE) ва Vs.Net киради.

.Net Framework куйидагилардан ташкил топган:

- CLR (Common Language Runtime);
- библотека класси (Web ва Windows формалари);

.Net куйидаги муаммоларни ечади:

- платформадан мустакиллик;

- .Net тилларини ўзаро богликлигини ташкил килади.

## 2.2. Visual Studio 2010 мухитида ишлаш ва Visual C# .NET дастурлаш тили

Microsoft Visual Studio 2010 дастури Microsoft корпорацияси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, бу дастур дастурчилар учун мўлжаллангандир. Бу дастур ёрдамида қуйидаги дастурлаш тилларида дастурлашни амалга ошириш мумкин:

- Visual Basic .NET;
- Visual C# .NET;
- Visual C++ .NET;
- Visual J# .NET;

Microsoft Visual Studio 2010 дастури ёрдамида Windows мухити учун, телефонлар учун ва тармоқлар учун Web дастурларни яратиш мумкин. Microsoft Visual Studio 2010 мухитида Visual C#, Visual Basic, Visual J# тиллари ёрдамида Web дастурларни ва Visual C#, Visual Basic, Visual J#, Visual C++ тиллари ёрдамида Windows мухити учун дастурлар яратиш мумкин.

Қуйида ушбу дастурлаш тиллари билан танишиб чиқамиз:

Visual Basic .NET - Microsoft Visual Studio 2010 таркибидаги самарадорлиги катта дастурлаш тиллардан бири бўлиб, бу дастурлаш тилини тўлиқ объектга йўналтирилган дастурлаш тили деб айтишимиз мумкин. Visual Basic .NET дастурлаш тили ёрдамида Windows иловаларини ва Web иловаларни яратиш мумкин.

Visual C# .NET - Microsoft корпорацияси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, бу дастурлаш тили айнан .NET платформаси учун ишлаб чиқилган. Visual C# .NET дастурлаш тили имкониятлари бошқа объектга йўналтирилган дастурлаш тиллари (C, C++, Java ва Delphi) дан анча кенг

бўлиб, бу дастурлаш тилида Visual Basic .NET каби Windows иловаларини ва Web иловаларни яратиш мумкин.

Visual C++ .NET дастурлаш тили паст сатхдаги дастурчи учун иловаларни бошқаришда талаб қилинади. .NET платформасининг Visual C++ дастурлаш тили бошқа дастурлаш тилларидан шу билан фарқ қиладики, бу дастурлаш тили .NET платформасининг кодли модели (managed code model) ва Windows (unmanaged native code model) кодли моделини қўллаб қувватлайди.

Visual J# .NET - Microsoft .NET платформаси учун Web-сервис ва иловалар яратувчи Java-дастурчилари ишлатиши мумкин. Visual J# .NET дастурлаш тили.

Visual C#.NET дастурлаш тили.

Ҳозирда кўплаб дастурлаш тиллари мавжуд бўлиб, улар қўлланиш соҳасига қараб турлича бўлади, яъни ҳар бир соҳа учун мўлжалланган дастурлаш тили бор. Уларнинг бир нечтасини санаб ўтиш мумкин. Масалан, C#, C++, Visual Basic, JavaScript, Delphi ва бошқалар.

Замонавий дастурлаш тиллари орасида Visual C#.NET мукаммал дастурлаш тилларидан бири ҳисобланади. Бу дастурлаш тил C++ асосида келиб чиққан бўлиб, у .NET Microsoft платформаси учун яратилган ва объектли дастурлашга мўлжалланган. Унинг ёрдамида интернетда жуда оммабоп саҳифалар, сайтлар яратса бўлади ва яратилмоқда. Visual C#.NET дастурлаш тилининг афзаллиги бу бошқа дастурлаш тилларида йўл қўйилган камчиликлардан холилигидир.

Visual C#.NET дастурлаш тили синтаксиси.

Маълумотлар тоифалари. Барча дастурлаш тилларида бўлгани каби C# дастурлаш тилида хам бир қанча маълумотлар тоифаси мавжуддир. Ушбу тоифалар 2.1-жадвалда кўрсатиб ўтилган.

Ўзгарувчилар эълон қилиниш вақтида аввал ўзгарувчининг номи идентификатори кўрсатидади ва унинг тоифаси белгиланади. Масалан :

*int uzgaruvchi_nomi = 5;*

2.1-Жадвал. C# дастурлаш тилидаги маълумотлар тоифалар.

| Тоифа | Изох |
|---|---|
| Bool | Мантиқий (true / false қийматларни қабул қилади.) |
| Byte | 8 битли белгиларсиз бутун сонлар (0-255) |
| Char | Символ |
| Decimal | Пулли қийматлар |
| Double | Хақиқий сонлар (-1.79769313486232e308-1.79769313486232e308) |
| Float | Хақиқий сонлар (-3.402823e38-3.402823e38) |
| Int | Бутун сонлар (-2147483648-2147483647) |
| Long | Бутун сонлар (-9223372036854775808- 9223372036854775807) |
| Sbyte | Бутун сонлар (-128—127) |
| Short | Бутун сонлар (-32768- 32767) |
| Uint | Бутун номанфий сонлар (0-4294967295) |
| Ulong | Бутун номанфий сонлар (0-18446774073709551615) |
| Ushort | Бутун номанфий  сонлар (0-65535) |

Visual C#.NET дастурлаш тили операторлари.

2.2-Жадвал. Мантиқий операторлар.

| Оператор | Изох | Мисол |
|---|---|---|
| = = | Тенглик | A = = B |
| != | Тенг эмас | A != B |
| < | Кичик | A < B |
| > | Катта | A > B |
| >= | Катта ёки тенг | A >= B |

## 2.3. Маълумотлар базаси бошқарув тизими SQL тили

Компьютер саноатида оммавий тарқалиши жиҳатидан SQL тили энг олдинги ўринларда туради. Кейинги бир неча йил ичида SQL Маълумотлар базасининг ягона стандарт тили бўлиб қолди. Ҳозирги кунда SQL юздан ортиқ маълумотлар базаси бошқарув тизим (МББТ) лари асосида ЭҲМ ларда ишлмоқда. SQL тилининг халқаро стандарти расмий жиҳатдан қабул қилинди ва кейинроқ мукаммаллаштирилди. SQL тили маълумотлар базаси бошқарув системаси архитектурасининг муҳим аъзоси бўлиб, у Microsoft

компанияси дастур ишлаб чиқаришининг стратегик йўналиши бўлиб хизмат қилади. IBM компаниясининг иккинчи даражали тадқиқот лойиҳасининг бажарилиши натижасида пайдо бўлган SQL тили ҳозирги вақтда муҳим компьютер технологияси ва кучли бозор фактори сифатида кенг тарқалди.

Агарда SQL - ҳақиқий стандарт бўлса, нима учун Маълумотлар базасининг жуда кўп версиялари ва диалектлари мавжуд.

SQL тили.

SQL - компьютер Маълумотлар базасида сақланувчи маълумотларни қайта ишлаш ва ўқиш учун мулжалланган инструментдир. SQL – бу структурлашган сўровлар тилининг (Structured Query Language) қисқартирилган номланишидир. SQL аббревиатураси одатда “сиквел” деб ўқилади. Баъзи ҳолларда, “ЭСКЮЭЛ” талаффузи ҳам SQL аббревиатурасини ўқишда ишлатилади. Номланишидан кўриниб турибдики, SQL фойдаланувчининг Маълумотлар базаси билан ўзаро алоқасини ташкил этиш учун қўлланилувчи дастурлаштириш тилидир. Ҳақиқатда эса SQL фақат реляцион деб номланувчи бир турдаги Маълумотлар базаси билан ишлайди.

Бу схемага мувофиқ ҳисоблаш системаси муҳим маълумотлар сақланувчи маълумотлар базасига эга бўлади. Агарда ҳисоблаш системаси бизнес доирага тегишли бўлса Маълумотлар базасида моддий бойликлар, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, сотиш ҳажми ва иш ҳақлари ҳақидаги ахборотлар сақланади. Шахсий компьютердаги маълумотлар базасида чеклар, телефонлар ва адреслар ёки нисбатан каттароқ бўлган ҳисоблаш системаларининг маълумотлари сақланиши мумкин. Маълумотлар базасини бошқарувчи компьютер дастури маълумотлар базасини бошқарув системаси ёки МББТ дейилади.

Агарда фойдаланувчи маълумотлар базасидан маълумотларни ўқимоқчи бўлса, у буни МББТ дан SQL ёрдамида сўрайди. МББТ сўровга ишлов беради, талаб қилинган маълумотларни топади ва уни фойдаланувчига узатади. Маълумотларга сўров бериш ва натижани олиш жараёни

Маълумотлар базасига сўров бериш деб айтилади. Худди шундан, SQL номи, яъни структурланган сўровлар тили деган номланиш келиб чиққан.

Лекин бу ном умуман реалликни тўлиқ интихоси эмас. Биринчидан, бугунги кунга келиб, SQL оддий сўровлар тузувчи инструмент бўлиб қолмасдан, балки маълумотлар тузилмасини яратиш, улардаги маълумотларни ўзгартириш, маълумотларни ҳимоялаш каби қатор имкониятларга ҳам эгадир. Шунга қарамасдан, маълумотларни ўқиш ҳозирда ҳам SQL ни муҳим бир функцияси ҳисобланади. Ҳозирда бу тил МББТ фойдаланувчиларига тақдим этаётган барча функционал имкониятлари қўлланилмоқда. Бу имкониятлар қуйидагилардир:

1.Маълумотлар структурасини тузиш. SQL фойдаланувчиларга маълумотлар структурасини тузиш, ўзгартириш ҳамда маълумотлар базаси элементлари ўртасида алоқаларни ўрнатиш имкониятини беради.

2.Маълумотларни ўқиш. SQL фойдаланувчи ёки дастурга Маълумотлар базасида сақланувчи маълумотларни ўқиш ва улардан фойдаланиш имконини беради.

3.Маълумотларни қайта ишлаш. SQL фойдаланувчига ёки дастурга Маълумотлар базасини ўзгартириш, яъни унга янги маълумотлар қўшиш, мавжуд маълумотларни ўзгартириш ва ўчириш имконини беради.

4.Маълумотлар базасини ҳимоялаш. SQL ёрдамида маълумотлар базаси фойдаланувчиларини ундаги маълумотларни ўқиш ва ўзгартириш имкониятларини чегаралаб қўйиш мумкин. Бу орқали рухсат берилмаган фойдаланувчилардан ахборотлар ҳимояланади.

5.Маълумотлардан биргаликда фойдаланиш. SQL маълумотлардан биргаликда фойдаланишни координация қилади, бу эса паралел ишлаётган фойдаланувчилар бир-бирларига халақит бермасдан Маълумотлар базасидаги маълумотлардан фойдаланишлари имконини беради.

6.Маълумотлар яхлитлигини таъминлаш. SQL Маълумотлар базасини яхлитлигини таъминлашга имкон беради ва унда ноўрин ўзгартиришлар қилишни олдини олади.

Демак , SQL МББТ билан ўзаро алоқа қилувчи етарлича кучли тилдир.

Иккинчидан, SQL Маълумотлар базасини бошқариш учун мўлжалланган бўлиб, унда ўттиздан ортиқ операторлар аниқланган. SQL операторларни тузиш бўйича қатор махсус қоидаларга эгадир.

SQL - бу етарлича кучли ва шу билан биргаликда ўрганиш учун осон бўлган тилдир.

SQL нинг роли

SQL ўзи алоҳида маълумотлар базасини бошқарув системаси ёки дастурий маҳсулот эмас. SQL – бу МББТ ни ажралмас қисми бўлиб унинг ёрдамида МББТ билан фойдаланувчилар ўртасида алоқа ташкил этилади. МББТ нинг ядроси унинг юраги ҳисобланади. У берилганларни жисмоний структуралаш ва дискка ёзиш амалларини бажаради. Бундан ташқари у МББТнинг бошқа компонентларининг SQL сўровларини қабул қилади. (Форма генератори, ҳисоботлар генератори ёки интерактив сўровларни ташкил қилувчи модул, фойдаланувчи дастури ва бошқа ҳисоблаш системалари билан алоқаларни ташкил этади.)

SQL турли функцияларни бажаради:

- SQL – интерактив сўровлар тили. Фойдаланувчилар SQL командалари асосида ишловчи маълумотларни ўқиш ва уларни экранга чиқаришга мўлжалланган интерактив дастур орқали Маълумотлар базаси маълумотларидан фойдаланадилар. Бу эса махсус сўровларнинг ҳосил қилишнинг қулай усулидир.
- SQL – Маълумотлар базасини дастурлаш тили. Маълумотлар базаси билан ишлашда дастурчилар ўзларининг дастурларида SQL командаларидан фойдаланадилар. Бу услуб фойдаланувчи томонидан ёзилган дастурда қўлланилганидек Маълумотлар базасининг хизматчи дастурларида ҳам ишлатилади.
- SQL - Маълумотлар базасида администраторлик қилиш тилидир. Маълумотлар базасининг администратори SQL тилидан Маълумотлар

базаси структурасини аниқлашда ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини бошқаришда фойдаланади.

- SQL – клиент-сервер технологияси асосида дастурларни тузиш тилидир. Шахсий компьютерлар учун тузилган дастурларда SQL тили локал тўр орқали Маълумотлар базаси сервери билан алоқани ташкил этиш учун қўлланилади. Кўпгина янги дастурларда клиент-сервер архитектураси тармок трафигидан минумим даражада фойдаланиш ҳамда шахсий компьютерлар сингари Маълумотлар базаси серверлари тезлигини ошириш учун ишлатилади.
- SQL-тақсимланган Маълумотлар базаси тили. Тақсимланган Маълумотлар базаси системаларини бошқаришда SQL бир неча ўзаро алоқа қилувчи ҳисоблаш системалари ўртасида маълумотларни тақсимлашга ёрдам беради. Ҳар бир системанинг дастурий таъминоти SQL дан фойдаланиб бошқа системалар билан алоқа қилади, уларга сўровлар узатади.
- SQL-Маълумотлар базасида шлюзлар ўрнатиш имконини берувчи тилдир. Ҳисоблаш тармоқларида SQL дан бир МББТидан бошқа турдаги МББТ билан боғлаш учун фойдаланадилар.

<u>SQL тилидаги маълумотлар тоифалар</u>

2.3-Жадвал. SQL тилидаги матнли маълумотлар тоифалар.

| **SQL даги маълумотлар тоифалари** | **Изоҳ** |
|---|---|
| CHAR(size) | Белгиланган узунликдаги қаторлар (ҳарфларни, сонларни ва махсус символларни сақлаши мумкин) қавсда белгиланган қатор узунлиги кўрсатилади. 255 тагача символ ёзиш имконияти бор. |
| VARCHAR(size) | 255 тагача символ сақлаши мумкин. |
| TEXT | 65 535 тагача символ сақлаши мумкин. |
| MEDIUMTEXT | 16 777 215 тагача символ сақлаши мумкин. |
| LOGTEXT | 4 294 967 295 тагача символ сақлаши мумкин. |
| ENUM (х,й,з) | Киритилиши мумкин бўлган қийматлар рўйҳатини бошқариш имконини беради. |

2.3-Жадвал. SQL тилидаги бутун ва хақиқий маълумотлар тоифалар.

| **SQL даги маълумотлар тоифалари** | **Изоҳ** |
|---|---|
| TINYINT(size) | -128 дан 127 гача бўлган бутун сонли маълумотларни сақлаши мумкин |
| SMALLINT(size) | -32 768 дан 32 767 гача оралиғидаги сонларни сақлайди |
| MEDIMUMINT(size) | -8 388 608 дан 8 388 607 |
| INT(size) | -2 147 483 648 дан 2 147 483 647 |
| BIGINT(size) | -9 223 372 036 854 775 808 дан 9 223 372 036 854 775 807 гача оралиғидаги сонларни сақлайди |
| FLOAT(size, D) | қўзғалувчан вергулли фақат мусбат сонларни сақлайди |
| DOUBLE(size, D) | қўзғалувчан вергулли мусбат ва манфий сонларни сақлайди |

2.3-Жадвал. SQL тилидаги вақт маълумотлар тоифалар.

| **SQL даги маълумотлар тоифалари** | **Изоҳ** |
|---|---|
| DATE() | ЙЙЙЙ-ОО-КК форматида санани сақлайди |
| DATETIME() | ЙЙЙЙ-ОО-КК сс:дд:сс форматида вақтни сақлаш учун мўлжалланган |
| TIME() | сс:дд:сс форматида вақтни сақлаш учун мўлжалланган |
| YEAR() | ЙЙ ёки ЙЙЙЙ кўринишида йил қийматини сақлайди. |

Хулоса ўрнида шуни айтишлик керакки иккинчи боб инструментал воситаларни танлашга бағишланган бўлиб, унда дастурлаш мухити танланиб, Visual Studio 2010 мухитида ишлаш ва Visual C#.NET дастурлаш тили SQL маълумотлар базасини бошқариш тизими хақида маълумотлар берилган.

## III БОБ. Лойихалаш қисми

### 3.1. Дастурчига қўлланма

Малумотлар базасини лойиҳалаш. Ушбу битирув малакавий ишида ишлаб чиқилаётган дастур бирор ўқув муассасада тахсил олаётган ўқувчилар хақидаги барча маълумотлар маълумотлар базасида сақланади шу.ни инобатга олган холда қуйидаги 3.1 – расмда ушбу маълумотлар базасининг структураси келтирилган.




3.1-расм. Дастурнинг малумотлар базаси структураси.

Хар бир жадвалнинг вазифалари ва ундаги майдонларнинг типлари билан қуйида танишиб чиқамиз. Ушбу жадваллар тузилиши реляцион маълумотлпр базасини қуриш тамойиллари асосида тузилган. Ишлаб чиқилган дастур бир неча таълим муасссаларида қўлланилиши инобатга олиниб жадваллар таркибига яна бир жадвал қўшишлик мақсадга мувофиқ деб топилди. Марказий жадвал *uquvchi* жадвали хисобланиб унинг майдонлари ва майдонларининг турлари 3.1-жадвалда кўрсатилган.

3.1-жадвал. *uquvchi* жадвалидаги майдонлар ва уларнин типлари.

| **Майдон номи** | **Майдон типи** | **Изоҳ** |
|---|---|---|
| ID_uquvchi | Int | Идентификацияловчи майдон |
| FIO | Varchar | Ўқувчининг фамилия исм шарифи |
| tug_yil | Date | Туғилган йили |
| jinsi | Varchar | Ўқувчининг жинси |
| sinf_id | Int | Ўқувчининг ўқиётган синфи |
| muassasa_id | Int | Ўқувчининг ўқиётган ўқув муассаси |
| kursatkich_id | Int | Кўрсатилган давр учун ўқувчининг жисмоний кўрсаткичлари |
| shugullanish_davom | Int | Спорт билан шуғилланиш даври |
| qoldirgan_darslar | Int | Касалликлар сабабли қолдирган дарслари соати |

*sinf* жадвалида иикита майдон мавжуд ва улар 3.2-жадвалда келтирилган.

3.2-жадвал. *sinf* жадвалидаги майдонлар ва уларнин типлари.

| **Майдон номи** | **Майдон типи** | **Изоҳ** |
|---|---|---|
| ID_sinf | Int | Идентификацияловчи майдон |
| nomi | Varchar | Синфнинг номи (масалан 1-а) |

*muassasa* жадвали ўқувчини қайси укув муассасида тахсил олишини кўрсатади, қўшимча маълумот сифатида ушбу жадвалда муассаса манзили ва қабухонанинг телефон рақамлари кўрсатилади. *muassasa* жадвалининг майдонлари 3.3-жадвалда келтирилган.

3.3-жадвал. *muassasa* жадвалидаги майдонлар ва уларнин типлари.

| **Майдон номи** | **Майдон типи** | **Изоҳ** |
|---|---|---|
| ID_muassasa | Int | Идентификацияловчи майдон |
| nomi | Varchar | Синфнинг номи (масалан 15-мактаб) |
| manzili | Varchar | Муассаса манзили |
| tel_raqami | Varchar | Муассаса қабулхонасининг телефон рақами |

Тўртинчи жадвал *kursatkich* жадвали бўлиб ушбу жадвалда бизнинг дастурга керак бўлган энг асосий маълумотлар сақланади. Ушбу жадвалдаги майдонлар ва улардан нима учун фойдаланилишимиз кўрсатилиб ўтилган.

3.4-жадвал. *kursatkich* жадвалидаги майдонлар ва уларнин типлари.

| Майдон номи | Майдон типи | Изоҳ |
|---|---|---|
| ID_kursatkich | Int | Идентификацияловчи майдон |
| Sana | Date | Ўқувчини жисмоний параметрлари ўлчанган сана |
| buyi | double | Кўрсатилган санадаги ўқувчининг бўйи |
| vazni | double | Кўрсатилган санадаги ўқувчининг вазни |
| vazn_buy_index | double | Кўрсатилган санадаги ўқувчининг бўйи- вазни-индекси, ўқувчи семириш даражасини аниқлаш учун керак маълумот |
| kukrak_qafasi | double | Кўрсатилган санадаги ўқувчининг кўкрак қафаси айланаси |
| pnevmoniya | varchar | Кўрсатилган давр ичада ўқувчи майдонда кўрсатилган касалликлар билан касалланганми ёки ёқми, деган саволга жавоб топиш учун қўйилган майдонлар |
| bronxit | varchar | |
| Urvi | varchar | |
| artmiya | varchar | |
| kardit | varchar | |
| sinusit | varchar | |
| tonzilit | varchar | |
| shikastlanish | varchar | |
| geppati | varchar | |

Юқорида дастур ишлатилган маълумотлар базасининг структураси ва мавжуд жадваллар, улардаги майдонлар, уларнинг типлари кўрсатиб ўтилди.

Дастур интерфейси. Дастур интерфейси махсус икки хил тилда бажарилган. Дастур шифокорларга мўлжаллланганлиги ҳисобга олиб, унинг интерфейсини имкон қадар соддалаштириш ва кам фойдаланиладиган барча майдон ва тугмалардан воз кечишга қарор қилинди. Дастурнинг умумий кўриниши 3.2-расмда кўрсатилган.

Маълумотлар базаси сифатида Microsoft SQL Server Compact дан фойдаланилди. Маълумотлар базасига уланиш қуйидаги листинда кўрсатилганидек амалга оширилади:

```
SqlCeConnection conn = new SqlCeConnection("Data Source ='MB_nomi.sdf'");
conn.Open();
SqlCeCommand command = conn.CreateCommand();
command.CommandText = "SQL SO'ROV"
command.ExecuteScalar();
conn.Close();
```




3.2-расм. Дастурнинг умумий кўриниши.

Маълумотлар базасидан олинган барча маълумотлар дастур интерфейсининг марказидаги *listview* да кўрсатилади уни амалга ошириш учун қуйидаги листингдаги дастур коди кикрилди:

```
string st;
int itemIndex = 0;
listView1.Items.Clear();
while (dataReader.Read()){
        for (int i = 0; i < dataReader.FieldCount; i++){
                st = dataReader.GetValue(i).ToString();
```

```
switch (i) {
        case 0:
                listView1.Items.Add(st);
        break;
        case 1:
                listView1.Items[itemIndex].SubItems.Add(st);
                break;
        //то охирги майдон чиқарулгуга қадар
        case 9:
                listView1.Items[itemIndex].SubItems.Add(st);
        break;
};
        } itemIndex++;
} connection.Close();
```

Ишлаб чиқилилаётган дастур Ўзбекистон худудида ишлайдиган шифокорларга мўлжалланганлиги ва ушбу шифокорлар орасида рус тилида мулоқат қиладиган инсонлар мавжудлигини инобатга олиб, дастур икки хил интерфейсда: рус ва ўзбек тилларида ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Қуйида бу масалани хал этиш усули кўрсатилган.




3.3-расм. Дастур формасининг *localizable* хусусиятини қийматини ўзгартириш.

Дастур бошидаги элонлар бўлимига қуйидаги қаторни қўшамиз:

```
